XALQ DEPUTATLARI QIZILTEPA TUMANI KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 19 - aprel VI-33-36-5-72-K/22 Qiziltepa tumani hokimligi

Қизилтепа туманидаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари номларини ўзгартириш ҳамда номсиз кўчаларни номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида”ги ЎРҚ-635-сонли Қонуннинг 20-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 28 февралдаги 08-01489-сонли хулосаси, Қизилтепа тумани комиссияси томонидан айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари номларини ўзгартириш, ҳамда номсиз кўчаларни номлашга оид тақдим этилган таклифларни муҳокама қилиб, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларини номлаш ва қайта номлаш бўйича туман комиссиясининг “Консурун” ва “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғини номини ўзгартириш ҳамда 14 та номсиз кўчаларни номлаш

тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Номлари ўзгартириладиган географик объектлар рўйхати 1-иловага, янги номланадиган географик объектлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгашининг 2021 йил 22 ноябрдаги VI-27-46-5-72-К/21-сонли Қарорининг 3-иловаси 4-бандига ўзгартириш киритилганлиги инбатга олинсин.

4. Туман статистика бўлими (Турсунов), Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг туман бўлими (Тухтаев), Қурилиш бўлими (Қурбонов), мутасадди корхона, ташкилотлар мазкур қарорга мувофиқ айрим номлари ўзгартириладиган ҳамда янги номланадиган географик объектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. Ички ишлар бўлими (Абдураимов) тегишли ташкилотлар билан номлари ўзгарадиган ҳамда янги номланадиган географик объектлардаги йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

6. Туман ҳокими ўринбосари (Алиев), Кадастр агентлигининг туман бўлими (Тухтаев), Қурилиш бўлими (Қурбонов) билан ҳамкорликда номлари ўзгартириладиган ҳамда янги номланадиган географик объектларни янги номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар ҳамда пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

7. Ушбу қарор “Янги Қизилтепа” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари

(Истамов) ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Сафаров) зиммасига юклансин.

Сессияда раислик қилувчи **У.Бобожонов**

Xalq deputatlari Qiziltepa tuman
Kengashining
2022 yil 19 apreldagi
VI-33-36-5-72-K/22-son qaroriga
1-ilova

Қизилтепа туманидаги номлари ўзгартириладиган

айрим географик объектлар

РЎЙХАТИ

Т/р	**География объектнинг (Маҳалла фуқаролар йиғинининг) ҳозирги номи**	**География объектнинг (Маҳалла фуқаролар йиғинининг) янги номи**	**Изоҳ**
1.	Консурун	**Ифтихор**	Ушбу маҳалла таркибига Арабон ва Ғалаба аҳоли пунктлари мавжуд
2.	Ифтихор	**Консурун**	Ушбу маҳалла таркибига Консурун ва Қўлба аҳоли пунктлари мавжуд

Xalq deputatlari Qiziltepa tuman
Kengashining
2022 yil 19 apreldagi
VI-33-36-5-72-K/22-son qaroriga
2-ilova

Тумандаги номланадиган айрим географик объектлар РЎЙХАТИ

Т/р	Географик объект нинг тури	Жойлашган ўрни	Географик объектнинг амалдаги номи	Географик объектнинг янги номи	Изоҳ
1	2	3	4	5	6
1	Кўча	Нурафшон МФЙ	1-кўча	Янги Нурафшон	Нур сочувчи, нурли, порлоқ.
2	Кўча	Нурафшон МФЙ	2-кўча	Бободеҳқон	Деҳқончилик касбининг устаси, моҳир, тажрибали кекса деҳқон.
3	Кўча	Нурафшон МФЙ	3-кўча	Соҳибкор	Ўз ишининг устаси; омилкор. Соҳибкор боғбон.
4	Кўча	Нурафшон МФЙ	4-кўча	Юксалиш	Юқори даражадаги, олий. Юксак унвон. Юксак мартаба. Юксак малакали мутахассислар. Юксак ҳурмат.
5	Кўча	Ғамхўр МФЙ	Ғамхўр 1	Ғамхўр	Кимса учун қайғурадиган, унинг ғамини ейдиган.
6	Кўча	Ғамхўр МФЙ	Ғамхўр 2	Чароғон	Равшан ёритилган; ёруғ. Чароғон кўчалар.
7	Кўча	Ғамхўр МФЙ	Ғамхўр 3	Узумзор	Ушбу қишлоқда узумзорлар мавжудлиги ва келгусида узумчиликни ривожлантириш мақсадида.
8	Кўча	Ғамхўр МФЙ	Ғамхўр 4	Миришкор	Ўз ишининг тажрибали, моҳир устаси; тажрибакор, омил-кор. Миришкор сувчи. Миришкор боғбон. Миришкор деҳқон.
9	Кўча	Ўртақўрғон МФЙ	1-кўча	Лолазор	Баҳорда очиладиган гул номи билан боғлиқ, баҳор мавсумида ушбу қилоқда лолалар очилиши сабабли.
10	Кўча	Ўртақўрғон МФЙ	2-кўча	Янгиланиш	Ўзбекистонда бўлаётган туб ўзгаришлар ва ислоҳотларни тарғиб қилиш орқали фуқаролар онгини янги босқичга олиб чиқиш.
11	Кўча	Ўртақўрғон МФЙ	3-кўча	Спортчилар	Ушбу кўчада истиқомат қилувчи ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланиши, ютуқларга эришганлиги сабабли.
12	Кўча	Ўртақўрғон МФЙ	4-кўча	Маърифат	Таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият.
13	Кўча	Хўжақўрғон МФЙ	1-кўча	Хўжақўрғон	Маҳалла номи билан узвий боғлаш мақсадида.

14	Кўча	Хўжақўрғон МФЙ	2-кўча	Ипак йўли	Қадимда ушбу қишлоқдан Буюк ипак йўли ўтганлиги сабабли.